

20.01.2022 даги

ЎЗР МГ Наманган вилоят Қўриқлаш бошқармаси ва Наманган шаҳар ХТБ марказ ўртасида 95170950,00
сўм умумий суммага тузилган 3406 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4293000			
Январь	31 723 650,00			31 723 650,00
Февраль	31 723 650,00			31 723 650,00
Март	31 723 650,00			31 723 650,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	95 170 950,00			95 170 950,00

Жами 95170950,00 сўм

Тўқсон беш миллион бир юз етмиш минг тўққиз юз эллик сўм 00
тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

М.Ў

Буюртмачи бош бухгалтери


(имзо) Лутпиллаев Жаҳонгир Хабибуллаевич
Ф.И.Ш.


(имзо) Раҳимбердиев Шавкат Хасанбаевич
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга
қўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича**

Ш А Р Т Н О М А

Наманган ш.

3406-сон

2022 йил "20" январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи майор **Х.Э.Абдуллаев** (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, **Наманган шаҳар Халқ таълими бўлими** номидан Низом асосида фаолият юритувчи мудир **Ж.Лутпиллаев** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ижрочи миллий гвардия қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. Буюртмачи Қўриқлаш бошқармаси Алоҳида батальон «ТҚП» ходимлари томонидан Наманган шаҳри ҳудудида жойлашган Наманган шаҳар ХТБга қарашли **1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 34, 36, 37, 38, 40, 41, 43, 44, 45, 46, 47, 50, 51, 66, 67, 74, 75, 85, 88-сонли мактабларнинг қоровулхоналарини соат 22.00дан 04.00га қадар** ташвиш тугмаси орқали қўриқлаш мақсадида (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

4. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

III БОБ. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

5. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига **31 723 650 (Ўттиз бир миллион етти юз йигирма уч минг олти юз эллик) сўм, 3 ойга 95 170 950 (Тўқсон беш миллион бир юз етмиш минг тўққиз юз эллик) сўм;**

6. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

7. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 30 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 100 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида тўловни ҳар ойда амалга оширади.

8. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

IV БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

10. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил "5" январдаги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 15 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 30 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментини, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

11. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

12. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортиментини, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, миллий гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

V БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13. Мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

14. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

15. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

16. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

17. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

18. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

19. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

VI БОБ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

20. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-БОБ. ФОРС-МАЖОР

21. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

22. Энгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

23. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

25. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

26. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича - белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

27. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

28. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

29. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

30. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

31. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

IX БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Ижрочи

Буюртмачи

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Наманган вилоят Қўриқлаш
бошқармаси

Наманган шаҳар Халқ таълими
бўлими

Юридик манзили: Наманган шаҳар, Сирғали
кўча, 20а-уй

Тел: 227-28-43, 227-15-55

Банк маълумотлари: Марказий банк ХККМ
Наманган вилоят Бош бошқармаси

Хисоб рақами: 21596000100193328001

МФО: 00021 СТИР: 200046854

ОКОНХ: 97920

Юридик манзили: Б.Машраб кўчаси № 12-уй

Тел: 69-227-03-20

Банк маълумотлари: Марказий

Х/р: 100022860144017092100075091

МФО: 00014 СТИР: 200056810

ОКОНХ: 97600

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Наманган вилоят Қўриқлаш
бошқармаси бошлиғи майор

Наманган шаҳар Халқ таълими бўлими
муdiri



Х.Э.Абдуллаев

(имзо, муҳр)



Ж.Х.Лутпиллаев

(имзо, муҳр) (QR-kod)



YURIDIK XULOSA

№ GH10088033

«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasi tartibida

2022-yil 20-yanvar

Namangan sh.

Namangan shahar Xalq ta'lim bo'limi hamda O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Namangan viloyat Qo'riqlash boshqarmasi o'rtasida umum ta'lim muassasalarida qo'riqlash xizmati yuzasidan umumiy bahosi 95 million 170 ming 950 so'm bo'lgan № 3406-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi tekshirildi va quyidagilar aniqlandi,

jumladan:

mazkur shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonuni bilan tartibga solinadi;

shartnoma shartlari «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviyhuquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 10-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 354-moddasi talablariga mos keladi;


tarablarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi belgilangan.

Shartnoma taraflari o'rtasida tabiiy siqilgan gaz manbasini yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining O'RQ-684-sonli "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi PQ-3953-son qarori bilan ishlab chiqilgan "Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxati"ga asosan, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 21.11.2019-yildagi 930-sonli "O'zbekiston respublikasi milliy gvardiyasi qo'riqlash bosh boshqarmasi bo'linmalari tomonidan qo'riqlanadigan obyektlar ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida" qarori, talablariga muvofiq ishlab chiqilgan. Yuqoridagi o'rganishlarga asosan,

XULOSA

Mazkur shartnoma loyihasi qonunchilik talablari doirasida tuzilgan hamda taraflar shartnomani tegishli tartibda rasmiylashtirishlari mumkinligi tavsiya etiladi.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.F.Jakbarov

2022-yil 20-yanvar

Илова

2022 йил " 20 " январь ойидаги № 3406 ШАРТНОМА

2022 йил учун

Наманган шаҳар Халқ таълими бўлими ва Наманган вилояти " Қуриқлаш " бошқармаси ўртасида

хизмат тури

Ойлар	Микдори	Суммаси	Ойлар	Микдори	Суммаси
Январь	50	31 723 650	Июль		0
Февраль	50	31 723 650	Августъ		0
Март	50	31 723 650	Сентябрь		0
I-чорак	150	95 170 950	III-чорак	0	0
Апрель		0	Октябрь		0
Май		0	Ноябрь		0
Июнь		0	Декабрь		0
II-чорак	0	0	IV-чорак	0	0
Йиллик		Индексация		150	95 170 950



Хизмат курсатувини, **Х.Э. Абдуллаев**

Мухтор, ИМЗО



Истемолчи, **Ж. Лутпиллаев.**

Мухтор, ИМЗО